

24<11>2022 yil.

546-12-179-OB/2022-son

28 _Ноябр_ 2022-йил

Янгириак шаҳарчаси

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Янгириак туман ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси низом асосида иш кўрувчи раҳбар: А.Ражапов бир томондан, кейинги ўринларда «пудратчи» деб юритиладиган «REGION STANDART QURILISH M.Ч.Ж» номидан уста асосида иш кўрувчи раҳбар Р.Юсупов иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ Янгириак туман ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бошқармасида қўзда тутилган лойиха бўйича ишларни бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса пудратчига Янгириак туман Шихбоғи маҳалласида 1,1 км узунликда пиёдалар йўлакчасини жорий таъмирлаш ишлари учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

2.1 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва Пудратчининг бошқа харажатларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 158 000 000 (Бир юз эллик саккиз миллион) сўмни ташкил қилади. Шундан ҚҚС-20 696 (Йиғирма миллион олти юз саккиз минг олти юз тўқсон олти) сўмни ташкил қилади.

2.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:
- жорий таъмирлаш ишлари қийматини купайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ишлар қиймати Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

- объектнинг бузиш бир йилдан ортиқ муддатга ўзгартирилганда.

2.3 Объектни жорий таъмирлаш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.4 Тегшли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

3. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

3.1 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

-барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзини кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топишириш;

- қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини еткази бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлашни таъминлайди;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- Буюртмачини Пудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, Буюртмачининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

- қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

- қурилиш таваккалчиликларини сўғурта қилиш;

- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб – ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

- қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;

- қурилишда таваккалчилик сўғуртаси учун белгиланган суммага сўғурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик сўғуртаси тўғрисида шартном тузади ва сўғурта шартномаси билан сўғурта полисини буюртмачига тақдим қилади.

-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.2 Пудратчи мавжудлигини кафолатлаган ўзининг 15% га тенг бўлган ва унга хизмат кўрсатувчи банк тамонидан берилиши кафолатланган 15% айланма маблағларини мазкур шартномада қўзда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.

3.3 Пудратчи объектни фойдаланишга топириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи ҳужжатларни (исполнительная документация) тўлиқ ҳажмда тақдим қилади.

3.4 Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва Пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топирилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

4. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1 Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган давр далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатга кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

- молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади;

4.2 Буюртмачи мазкур шартномада қўзда тутилган ўз мажбуриятларини бажармаса ёки старли тарзда бажармаса Пудратчи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

5. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

5.1 Шартнома томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.

5.2 Пудратчи мазкур шартномага илова қилинган ишларни бажариш жадвалига мувофиқ ишларни бажаради.

5.3 Объект иши бошланиши 24.11.2022 йилдан, тугалланиши 24.12.2022 йил кунигача фойдаланишга топирилиши белгиланади.

6. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР

6.1 Шартнома бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар миллий валюта - «сўмда» қилинади.

6.2 Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 % (фонзи) миқдоридан, бўлган ҳолда аванс ўтказди, бу

000_ (Қирқ етти миллион тўрт юз минг_) сўмни ташкил этади.

6.3 Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун бюджетдан мақсадли берилган маблағлар уч банка иш кунид молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади.

6.4 Буюртмачи тамонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилиб қабул қилингандан кейин ҳақиқий бажарилган ишлар қийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб қолган ҳолда молиялаштириш жадвали бўйича амалга оширади.

6.5 Пудратчининг ҳисоб рақамига тушадиган маблағлар ушбу объект қурилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект қурилишига зару бўлган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга ҳақ тўлаш, объект қурилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тўлаш учун ва ушбу объект қурилишининг бошқа харажатларига қатъий сарфланади.

6.6 Пудратчи жорий молиялаштириш учун ҳисобот оянинг охири кунигача ва якуний молиялаштириш учун ҳисоб китоб учун қурилиш монтаж ишлар миқдори, харажатлари туғрисидаги «Бажарилган ишлар қиймати туғрисидаги маълумотнома ҳисоб-варақ-фактурани» ўзи тузиб тақдим қилади. Буюртмачи бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг миқдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.

7.7 Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний ҳисоб-китоб учун, бажарилган қурилиш-монтаж ишларини миқдори, сифати ва харажатлар текширувдан сўнг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар қиймати туғрисидаги маълумотнома-ҳисоб-варақ-фактура» асос бўлади.

6.8 Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлайди. Объект Буюртмачиг топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

7. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

7.1 Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини – техник аудитори тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устида техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-усқуналарнинг шартнома шартларига ва и ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

7.2 Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқиг эгадир.

7.3 Пудратчи техник аудитори ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

7.4 Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва и жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

7.5 Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигиси амалга оширс, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

7.6 Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг Пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи уз кучлар билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Суб пудратчи уларни тузатишнинг кечинкиши оқибатид етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

7.7 Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориш Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларни бошланиши ва тамом бўлиши санаси материаллар, асбоб-усқуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларни қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтид етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши туғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилиш тугалланиши узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баъ қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўри мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ.

8.1 Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлар натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармасли учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирға вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2 Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни даво еттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

8.3 Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

9. КАФОЛАТЛАР.

9.1 Пудратчи:

- барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;
- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-усқуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;
- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва усқуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Мавжуд нуқсонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномада кўрсатилган мудда Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан усқуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган мудда ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% миқдорда жарима солиш ҳуқуқига эга.

10. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

10.1 Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратч томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиға даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

10.2 Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан икки ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

10.3 Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилди Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

10.4 Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

10.5 Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

10.6 Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бунда мустасно.

11. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКҲИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

11.1 Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: Ўзбекисто Республикаси Фуқаролик кодексига, Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси туғрисида» ги қонунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 май 2003 йилдаги ПФ-3240 сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасини

95 сонли қарори билан, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади ва иккинчи тамонг етказилган зарарларни қоплайди.

11.2 Мазкур шартномада кўзда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармага тақдирда Буюртмачи Пудратчи олдиди қуйидаги ҳолларда жавобгар бўлади ва:

- белгиланган муддатда объектни иш бошлаш учун Пудратчига топширмаса далолатнома бўйича бунинг оқибатида ишларни бажариш жадвалида бажариш кўзда тутилган ишларнинг бажарилмаган қисмининг 1% миқдориди жарима тўлайди;
- Буюртмачининг ҳисоб рақамига мақсадли молиялаштириш учун тушган пул маблағларини уч банка куниди сабабсиз Пудратчининг ҳисоб рақаминг ўтказиб бермаса ушлаб турилган сумманинг 5% миқдориди жарима тўлайди;
- шартномага муофик ишларни бажариш жадвали бўйича бажарилган ишлар ҳажмини асоссиз равишда қабул қилиб тасдиқлашдан бош тортгани учу ушбу қабул қилиш, тасдиқлашдан бош тортган сумманинг 5% миқдориди жарима тўлайди;
- шартнома шартларига муофик тайёр ҳолда қабул қилиш учун тақдим қилинган объектни асоссиз равишда қабул қилишдан бош тортса шартном қийматининг 5% миқдориди жарима тўлайди;

11.3 Мазкур шартномада кўзда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирд Пудратчи Буюртмачи олдиди қуйидаги ҳолларда мулкий жавобгар бўлади ва:

- Ишларни бажариш жадвалида белгилангандан кам ҳажмда ишларни бажарса, мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмидан ха кечиктирилган кун учун 0,1% миқдорда пеня тўлайди.
- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдорда бажариб тегишли тартибдаги маълумотлар билан ҳисобот оининг охириг кунинг кадар тасдиқлатмаса «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган ишлар қийматининг 0,1% миқдориди жарима тўлайди;
- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдордан кам бажарса, бажарилмаган қисмининг 0,1% миқдориди жарима тўлайди;
- объектни шартномада белгиланган муддатда тайёр ҳолда фойдаланишга топширмаса шартнома қийматининг 0,1% миқдориди жарима тўлайди;
- Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи комиссияси тамонидан аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилга ишларни белгиланган (ун кундан ортик бўлмаган) муддатда бартараф қилмаса ушбу аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,1% миқдориди жарима тўлайди.

11.4 Агарда томонлардан бири ўз реқвизитларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон рақамларини, корхона атамаси ёки мақомин нотугри берса ва ўзгарганлиги туғрисидаги маълумотни уч календар кунда иккинчи тамонга ёзма хабар бермаса айбдор тамон иккинчи тамонг шартнома баҳосининг 0,1% миқдориди жарима тўлайди.

11.5 Бир тамоннинг айби билан шартномани бекор қилишга туғри келса, айбдор тамон иккинчи тамонга барча зарарларни қоплайди, амалдаг қонунларда белгиланган тартибда.

11.6 Тамонларнинг мулкий жавобгарликка тортилиб тўлайдиган неустойка, штраф ва пенялари шартнома қийматининг 10% ошмаслиги керак.

11.7 Тамонлар неустойка, жарима, пеня каби мулкий талабларини далолатнома асосида тўлов талабномаси бўйича акцептсиз амалга оширишга ҳақлидир.

12. ҚОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

12.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чеклани қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва қафолатлайди.

12.2. “Пудратчи” “Буюртмачи”га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни қафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), “Буюртмачи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, “Пудратчи” нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекисто Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

13. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

13.1 Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки ўзгартиришда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган барча низола масалаларни томонлар муҳокама билан келишувга эришмасалар, у ҳолда улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожат қилишлар мүмкин.

14. АЛОХИДА ШАРТЛАР

14.1 Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

14.2 Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, Пудратчилардан ташқари бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

14.3 Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашга бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

14.4 Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қанда аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

14.5 Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

14.6 Мазкур шартноманинг жорий нарҳлардаги келишилган суммаси меъёрий-қонун ҳужжатларига Қ.Қ.С. туғрисида ўзгартиришлар киритилса қайт кўриб чиқилади.

14.7 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланилади.

14.8 Мазкур шартнома тамонлар имзоланиб Бюджет кодексининг 122- моддасига асосан Ғазначилиқдан рўйхатдан ўтгандан кейин юридик кучга кирад ва бу шартнома 31.12.2022-йилгача амал қилади.

14.9 Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади.

15. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

«БҮЮРТМАЧИ»

Янгиариқ туман хокимлиги ҳузурдаги
Ободонлаштириш бошқармаси

Адрес: Янгиариқ тумани А.Навойи кўчаси 1-уй

Тел./факс +998623856765

Шх/р: 100022860332337065200110008_

ИНН: 206 945 594

ОКОНХ: 90 290

Молия Вазирлиги ягона ғазна ҳисоб varaги х/р:
23402000300100001010 МФО: 00 014 Марказий банк
Тошкент шаҳри ХККМ ИНН: 201 122 919 ОКОНХ:

Раҳбар:
(Ф.И.Ш)

А.Ражапов

«ПУДРАТЧИ»

«_REGION STANDART QURILISH M.Ч.Ж_»

Адрес: _Хонка тумани Олажа қишлоғи_

Тел./факс +998942303030_

Х/р: 20208000200252916001_

ИНН: 302696880_

МФО: 00553_

Банк: _АТБ Қишлоққурилишбанк Хоразм филиали_

ОКОНХ: _____

Раҳбар: _____ Р.Юсупов_
(Ф.И.Ш)



Hujjat **elektron raqamli imzo** orqali imzolangan.
Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun **QR Code** ni skanerlang.

Imzolovchi F.I.SH.

ANVAR RAJAPOV
OLLABERGANOVICH

Imzolangan sana

24.11.2022 16:08

Hujjat kodi

XS7566356867

Hulosa kodi

JO5577670828

Янгиарик туман Шихбоги махалласида 1,1 км узунликдаги пиёдалар йулакчасини жорий таъмирлаш ишларини бажариш

ГРАФИГИ

№	Объектнинг номланиши	Ўлчов бирлиги	Микдори	Сўм	IV - чорак		
					Октябр	Ноябр	Декабр
1	Янгиарик туман Шихбоги махалласида 1,1 км узунликдаги пиёдалар йулакчасини жорий таъмирлаш	обект	1	158 000 000			158 000 000
X	Жами:	X	1	158 000 000	0	0	158 000 000

« БУЮРТМАЧИ »

« ПУДРАТЧИ »

Янгиарик туман

"REGION STANDART QURILISH M.Ч.Ж"

Ободонлаштириш бошкармаси

бошлиги:

А.Ражапов

раҳбари:

Р.Юсупов



Янгиарик туман Шихбоги махалласида 1,1 км узунликдаги пиёдалар йулакчасини жорий таъмирлаш ишларини молиялаштириш

ГРАФИГИ

№	Объектнинг номланиши	Ўлчов бирлиги	Микдори	Сўм	IV - чорак		
					Октябр	Ноябр	Декабр
1	Янгиарик туман Шихбоги махалласида 1,1 км узунликдаги пиёдалар йулакчасини жорий таъмирлаш	обект	1	158 000 000		47 400 000	110 600 000
X	Жами:	X	1	158 000 000	0	0	158 000 000

« БУЮРТМАЧИ »

« ПУДРАТЧИ »

Янгиарик туман

"REGION STANDART QURILISH M.Ч.Ж"


Ободонлаштириш бошкармаси

бошлиги:-

А.Ражапов

раҳбари:-

Р.Юсупов



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

JO5577670828

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Pudrat shartnomasi**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: YANGIARIQ TUMANI HOKIMLIGI HUZURIDAGI OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI tomonidan 24.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Yangiariq tuman
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:**



Y.S.XO'JAMURATOVA

24.11.2022